



ТИББИЁТ ОЛИЙ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Абдуллаева Санобар Бердиевна¹,

Баҳрамов Рустам Рахматуллаевич²,

Воҳидов Аликул Мелитишевич³

^{1,2,3} Самарқанд давлат тиббиёт университети «Информатика,
информацион технологиялар» кафедраси ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6585241>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-may 2022

Ma'qullandi: 14- may 2022

Chop etildi: 26- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Янги ахборот
технологиялар, янги
педагогик технологиялар,
замонавий мутахассис,
тиббиёт, таълим
tizimi

ANNOTATSIYA

Компьютер технологиялари таълим жараёнида кенг қўлланила бошланиши билан бирга илм ўрганишининг янги ахборот технологиялари ҳам ривожлана борди. Бинобарин, ҳар қандай педагогик, психологик ёки мутахассислик технологияси бу-ахборот технология бўлиб ҳисобланади. Замонавий мутахассис тез ўзгариб бораётган ҳаёт шароитига енгил мослашадиган; мустақил танқидий фикрлайдиган; олинган маълумотлардан яхши фойдалана оладиган, инсонлар билан осон тил топа оладиган бўлиши керак. Бундай кадрлар тайёрлашга эришиш учун ҳар бир талабанинг таълим жараёнида мумкин қадар фаол бўлиши; юзага келадиган турли хил муаммоларни ҳамкорликда, барча билим ва кучларни жамлаб еча билиши; ҳаёт талаб этаётган зарурий маълумотлар мажмуасининг очиқ бўлиши талаб этилади.

Бугунги кунда тиббиёт олий ўқув юртларида ахборот технологиялари ва компьютер технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Мамлакатимизнинг таълим тизими жамиятнинг социал-иқтисодий ва маданий вазифаларини ҳал этишга қаратилган бўлиб, жамиятнинг турли иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётини белгилайдиган келажак авлод – инсон мактаб ва ундан кейин олий ўқув юртида шаклланади. Бугунги кунда жамиятимизга бир талай билимлар мажмуасига эга бўлган мутахассислар

эмас, балки тез ўзгариб турган вазиятга осон мослаша оладиган мутахассислар талаб этилади шу жумладан тиббиёт мутахассисларининг замонавий тиббий технология қурилмаларини ўрганиши замон талаби бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар шунчалик кўп ва интенсивки, бу кадрлар тайёрлашга алоҳида эътиборни талаб этади. Малакали мутахассислар тайёрлаш масалалари санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш билан узвий боғлиқ эканлиги



Ўз-ўзидан маълум. Ҳозирги вақтда маълумотлар мажмуаси масаласи Республикамиз ҳаётига кенг кириб келаётган интернет тармоғи орқали ўз ечимини топмоқда. Таълим соҳасида педагогик ва ахборот – коммуникация технологиялардан, интернет ахборот таълим ресурсларидан ҳамда конференция усулидан фойдаланиш талабаларининг олаётган билимларни юқори савияда бўлишида самарали ёрдам беради ва уларнинг келгусида малакали мутахассислар бўлиб чиқишига имконият яратади.

Ахборот технологиялари бўйича мутахассис – дунёдаги ва Ўзбекистондаги энг талабгор касблардан биридир. Ҳозирда деярли барча тармоқлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини юритади. Ўзбекистонда соҳа ривожига ҳамда инсонлар ҳаётини енгиллаштириш учун тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида инновацион ечимларни тадбиқ этиш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Ахборот технологиялари коммуникацияда, бошқарув соҳасида, банк ишида, жумладан тиббиёт соҳасида кенг қўлланилади, уларнинг асосида таълим дастурлари, геологик-қидирув ва ресурсларни қазиб олиш, замонавий sanoatда, тиббиётда, хавфсизликни таъминлашда зарур бўлган юқори технологиялар ишлаб чиқилади ва тадбиқ этилади. Турли соҳаларда ахборот технологияларидан фойдаланиш табора кенгайиб бормоқда. Бу эса IT-мутахассисларнинг тиббиёт соҳасида ҳам хизматга бўлган талабнинг ортиб бораётганидан даракдир.

Янги информацион ва педагогик технологияларнинг замонавий мутахассислар етиштиришдаги ўрни таълимнинг мазмуни билангина белгиланмасдан, балки унда қўлланиладиган технологиялар билан боғлиқ бўлади. Таълим тизимидаги замонавий ахборот технологияларнинг асосий хусусиятларидан бири-бу техниканинг янги ютуқларини қўллаш ва улардан фойдалана олишдир. Ҳозирги вақтда таълимда қўлланилаётган технологиялар ранг барангдир. Шундай технологиялар орасидан аниқ шароит учун мақбулини танлай билиш эса анча мураккаб масаладир. Мавжуд технологиялар орасида энг умумий ва муҳимроқ бўлганлари таълимдаги ғамхўрлик, лойиҳалар усули, босқичли таълимдир.

Таълимдаги ғамхўрликнинг, яъни ҳамкорликнинг мазмуни шундан иборатки, талабалар ўз қизиқишлари ва бошқа турли жиҳатлари бўйича кичик гуруҳларга ажратилиб, улар орасидаги етакчи, тез илғаб оладиган талабалар бўшроқ ўқийдиган, қийин илғаб оладиган талабаларга кўмаклашишлари кўзда тутилади. Бўшроқ талабаларнинг ўзлаштиришларида етакчи талабалар муайян масъулият ҳис этишлари зарур. Шундай қилинганида талабаларнинг ўзлаштириши бир маромда ва нисбатан текис бўлади, умумий ютуқларнинг сезиларлироқ бўлишига эришилади. Биз бу усулни қўллаб, ўзлаштириши тез талабаларни пастроқ ўзлаштирадиганларига бириктириш орқали умумий ўзлаштиришни кўтаришга эришишимиз мумкин. Бироқ бунда мотивациянинг ўрни муҳимдир. Лойиҳалар усулининг моҳияти – ҳар бир талаба ўз қизиқиши, лаёқати ва



имкониятлари доирасида муайян лойиҳаларнинг бажарилишида иштирок этади, у ўз билимини ўзи ошира оладиган бўлиб, информацион майдонда ўз йўлини танқидий мушоҳада асосида топа оладиган бўлиши керак. Бу усул қандайдир муаммонинг ечилишини доимо тақозо қилиб туради. Ҳар қандай муаммони ҳал этиш эса, таълимнинг турли усул ва воситаларини қўллаш, фан, техника ва технологияларнинг турли соҳалардаги ютуқларнинг интеграциясини талаб этади. Агар бирор муаммо ечими устида ишланган бўлса, у якунига етказилган шаклда бўлиши керак. Масалан, биз талабаларга паст курслардан бошлаб фаол илмий иш билан шуғулланадиган профессор-ўқитувчиларимиз бириктирилиб, талабаларга маълум кичик муаммоларни ечишга қаратилган илмий мавзулар таклиф қилинади. Бу илмий ишларни бажаришда талабаларнинг мумкин қадар мустақил бўлишига асосий эътибор қаратилади. Бунинг натижасида талабалар таҳлил усуллари, илмий ва ўқув асбобларни такомиллаштириш, уларнинг янги авлоди билан танишиш ва яратиш учун нималарга эътиборни қаратиш зарурлигини ҳис қиладилар ва ўзлари шундай ишларда фаол қатнашадилар. Инсон ўзи яратган техника ёки технологияни, асбоб ёки қурилмани яхши билгани учун уни бошқаларга осон ва муаммосиз етказа олади. Бунда ҳамкорликдаги таълим билан лойиҳалар усули уйғунлашиб кетади. Босқичли таълим-талабалар билимларининг умумий ўртача талаблардан паст бўлмаган даражада турлича бўлишидир. Босқичли таълимда ҳар бир талабанинг билими турлича

эканлиги эътиборга олинади ва ҳар бир талабанинг фаолиятига алоҳида баҳо берилади. Бунда пастроқ баҳога сазовор бўлган талабалар ўз кўрсаткичларини кўтаришга интилишлари натижасида ўз билимларини оширадилар. Буларнинг барчаси талабалар фаолиятига ҳолисона ёндашув бўлгандагина кутилган натижаларни бериши мумкин. Агар талабаларга баҳо беришда ҳар хил мезонлардан фойдаланилса, унинг акс таъсири тезда сезилиши муқаррар. Таълимда талабаларнинг мустақил фикрлашини ривожлантиришга қаратилган назорат ўқитувчи-талаба мулоқотининг камайганлиги оқибатида сусайганлигини ҳис этиш мумкин. Шу муносабат билан фанлар бўйича ўтказиладиган баҳолаш, синовларнинг бир қисмини оғзаки суҳбатга алмаштириш юқори натижага эришишга ундовчи омиллардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда талабалар ўз фаолиятларининг баҳоланишини ўзлари ўртоқлари орасида очик-ойдин ҳис қиладилар. Бу эса объективликнинг улар томонидан ҳам назорат қилинишига олиб келади. Шундай оғзаки суҳбатларда баҳоловчилар қаторида талабалар вакилларининг бўлиши янада яхши натижалар беради.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз керакки, бугунги кунда тиббиёт олий ўқув юртларида ахборот технологияларининг ўрни жудаям муҳим. Тиббиётда маълумотлар базаси яратишда, маълумотларни электрон шаклга ўтказишда, беморларга тўғри ташхис қўйишда тиббий тасвирларни аниқлигининг аҳамиятида, тиббий маълумотларни статистик таҳлил



қилишда, нейрон тармоқлари орқали
суъний нейрон яратишда, бу суъний
нейронлар орқали ўпка раки
хужайраларини анализ қилишда, ДНК
анализида, протез лойиҳалашда,
трансплантация вақтларини
оптимизациялашда, математик модел ва
дифференциал тенгламалар ёрдамида

натижаларни олишда ахборот
технологиялари ва компьютер
технологияларининг ўрни бекиёсдир.
Биз бу технологиялар ёрдамида
ишимизни тез ва тўғри бажаришимиз,
бундан ташқари беморларга тўғри
ташхис қўйишда бизга кўмакчи
эканлигини хис қиламиз.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Р. Эргашев. Бўлажак ўқитувчи шахсида эстетик маданиятни шакллантириш назарияси ва амалиёти. Монография. — Т., «Ўқитувчи», 2017
3. Р. Эргашев, Х.Санакулов. «Педагогик диагностика». Ўқув-услубий қўлланма. - Т., ТДПУ, 2014
4. Ишмухамедов Р.Ж. «Инновацион таълим технологиялари» - Т.-2008 й.
5. Йўлдашев Ж.Ғ., Ҳасанов С. «Педагогик технологиялар» Ўқув қўлланма.-2011 й.
6. “Инновационные подходы в современной науке” Международная научно-практическая конференция Российский университет Дружбы народов Москва 2022 г.
7. Кубаев А.Э., Бахрамов Р.Р., Абдуллаева С.Б. “Тиббий тасвирларни тиббиётдаги аҳамияти” Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12. Стр. 872-877 <https://cyberleninka.ru/article/n/tibbiy-tasvirlarni-tibbiyotdagi-a-amiyati>
8. Бахрамов Р.Р., Маликов М.Р. «Болаларда паразитларни аниқлашда функционал дифференциал тенгламадан фойдаланиш усули» ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES 3 March 2021 280-288 стр. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=nMHNwCkAAAJ&citation_for_view=nMHNwCkAAAAJ:u5HHmVD_uO8C
9. Бахрамов Р.Р., Рахматуллаев М.Р., Мелибоев Э.Г., "Балоғат ёшидаги ўғил ва қиз болаларда тамаки чекишини MS Excel дастурида таҳлил қилиш" EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Volume 1, Issue 3 Part 1 June 2021. Стр. 318-321